

ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA


ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 3, 2021

[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)





**Раунов Сойиб Саидович,**

БухДУ Миллий зоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси  
доценти, тарих фанлари номзоди.

## **КОРРУПЦИЯ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*“Жамиятимизда коррупция иллоти ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга зов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоги ривожланмайди”. [6]*

**Ш.Мирзиёев.**

**Аннотация:** мақолада коррупция сўзининг мазмун-моҳияти, унинг тарихий илдизлари, коррупцияга қарши курашган биринчи давлатлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Жаҳон тажрибасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар ва коррупцияга қарши курашнинг жаҳон мамлакатларидаги мавжуд усуллари атрофлича таҳлил қилинган. Хусусан, коррупцияга қарши курашнинг Сингапур тажрибаси алоҳида ўрганилган. Шунингдек, мақолада Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар алоҳида таҳлил қилинган ҳамда уни янада такомиллаштириш борасида тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** коррупция, коррупцияга қарши кураш, коррупцияга қарши курашган биринчи давлатлар, коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар, коррупцияга қарши кураш усуллари, коррупцияга қарши курашнинг Сингапур тажрибаси, Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш.

**Аннотация:** в данной статье приведены сведения о значении слова коррупция, его исторических корнях, первых странах, которые боролись с коррупцией. Проанализированы тщательно факторы в мировом опыте, влияющие на коррупцию, и существующие методы борьбы с коррупцией в странах мира. В частности, в отдельно был изучен сингапурский опыт борьбы с коррупцией. В статье также специфически предоставляется рекомендации по дальнейшему совершенствованию работы, проводимой в области борьбы с коррупцией в Узбекистане, с анализом.

**Ключевые слова:** коррупция, борьба с коррупцией, первые страны, которые боролись с коррупцией, факторы, приведшие к коррупции, методы борьбы с коррупцией, сингапурский опыт борьбы с коррупцией, борьба с коррупцией в Узбекистане.

**Abstract:** The following article provides information about the meaning of the word corruption, its historical roots, the first countries that fought corruption. The factors influencing corruption and the existing methods of combating corruption in the countries of the world were thoroughly analyzed in the world experience. In particular, Singapore's experience in fighting corruption was studied separately. The article also provides specific recommendations for further improvement of the work carried out in the field of combating corruption in Uzbekistan, with an analysis.

**Key words:** corruption, the fight against corruption, the first countries that fought corruption, factors that led to corruption, methods of fighting corruption, Singapore's experience in fighting corruption, the fight against corruption in Uzbekistan.

Бугунги кунда коррупция муаммосига жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатада дуч келиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, коррупция келтирадиган зарар барча давлатлар учун тенг саналиб, маскур иллат давлатнинг турли соҳаларига, хусусан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий,



маданий жабҳаларида амалга ошириладиган ислохотларга ҳамда мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджи ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Коррупция (лот. *Corruptere* — бузмоқ айниш, порага сотилиш) термини одатда мансабдор шахслар томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатади. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида “коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”, [2] деб таъриф берилди.

Кўп ҳолларда бу атама сиёсий элитадаги бюрократик аппаратга қарата ишлатилади. Коррупция кўплаб давлатларнинг жиноят ва маъмурий қонунчилиги билан ҳуқуққа қарши ҳаракат сифатида таъқиб қилинади.

Коррупциянинг тарихий илдизлари жуда жуда қадимга бориб тақалиб, бу ҳол қабилада маълум мавқега эга бўлиш учун қабила сардорларига совғалар бериш одатидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Ўша даврларда бу нормал ҳолат сифатида қабул қилинган. Бироқ давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказийлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканлигини кўрсатди. Коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати тан олинади. Қадимги давлатларни айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ ташвишга солганлиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда қаттиқ путур етказарди. Дунёнинг етакчи динларида ҳам биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ қораланади. Жумаладан, Инжилда “Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қилади ва ҳақиқатни ўзгартиради” дейилган бўлса, Қуърони Каримда порахўрлик бевосита тақиқланади: “Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейишингиз учун уни ҳокимларга гуноҳкорона ташламанг” (Бақара сураси, 188).

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб жамият давлат бошқарув аппаратининг иш сифатида тобора кўпроқ таъсир кўрсата бошлади. Бу ўша даврда қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Жумладан, 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясида пора олиш АҚШ президентини импечментга тортиш мумкин бўлган жиноятларнинг бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва уларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрнининг ошириб бориши XIX-XX асрларда ривожланган давлатларда коррупциянинг дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан анча камайишига олиб келди.

Коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, коррупцияга қарши курашнинг самарали йўллари топиш бўйича мутахассислар, турли институтлар ва халқаро ташкилотлар томонидан юзлаб, минглаб тадқиқотлар ўтказилган. Ўзига хос рейтинглар тузилиб, ҳар хил кўрсаткич ва рақамлар қайд этилган жадваллар яратилган. Ҳатто коррупциянинг хилма-хил кўринишидаги формулалари ҳам ишлаб чиқилган. Ҳанузгача, барча миллатлар учун қўл келадиган қарши курашда асқотадиган ягона ечим йўқ.

Ушбу иллатни тадқиқ қилган бир қатор йирик мутахассислар қуйидаги факторларни коррупцияни юзага келтирувчи омиллар сифатида кўрсатади:

- икки хил маънони англатувчи қонунлар;
- жиноят, маъмурий қонунчиликдаги “вилка” санкциялар;
- аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги;
- мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлиги;
- ижро ҳокимиятининг бирлиги тамойилинининг бузилиши;
- аҳолининг давлатни назорат қилишдаги суст иштироки;
- давлат секторидаги хизмат қилаётган хизматчилар даромадларининг хусусий секторда топиш мумкин бўлган даромадлардан камлиги;
- иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши;
- инфляциянинг юқори даражаси;
- мамлакат юқори бошқарув органларининг аҳолидан узилиб қолганлиги;
- мамлакатдаги диний ва ахлоқ қоидалар ва ҳ.к. [8]



Мутахассисларни тахлилига кўра жаҳон мамлакатларида коррупцияга қарши курашнинг куйидаги усуллари мавжуд.

Ички назорат —бу усул бошқарув аппаратининг ўзида назоратни кучайтирувчи тузилмалар (ҳар хил ички инспекциялар ва бошқа назорат органлари тузиш орқали) яратишни тақазо этади. Бу тузилманинг асосий вазифаси ходимларнинг ички этикет қоидаларига риоя қилишини назорат қилишдир. Ҳозирги кунда бизнинг юртимизда ҳам бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида айнан шу вазифани бажарувчи ички тузилмалар яратилган.

Ташқи назорат — бу усулда ижро аппаратидан мустақил тузилмаларнинг мустақиллигини ошириш назарда тутилиб, айнан ушбу тузилмалар орқали коррупцияга қарши самарали кураш олиб борилади. Яъни, суд ҳокимиятининг максимал даражада мустақиллигига эришиш оммавий ахборот воситаларига кўпроқ эркинлик бериш ва ҳ.к.

Сайлов тизими орқали курашиш —демократик давлатларда сайланган вакилларнинг коррупция учун жазолашнинг асосий усулларида бири кейинги сайловларда унга овоз бермаслик ҳисобланади. Коррупцияга сайловлар орқали таъсир ўтказиш энг самарали усул ҳисобланади. [8]

Коррупцияга қарши курашда юқори натижаларга эришган Швеция, Сингапур, Гонконг, Португалия каби давлатларнинг тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш коррупцияга қарши курашда муҳим ўрин эгаллайди.

Бунда Конституциявий назорат органлари, ҳуқуқ-тартибот органларининг аҳамияти ортади. Яъни, коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган нормаларни конституциявий назорат органи томонидан конституцияга зид деб топиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби методлардан унумли фойдаланиш ушбу давлатларни коррупция даражаси жуда паст бўлган давлатлар қаторига олиб чиққан. Бу ўринда Сингапур давлатида амалга оширилган ишлар тажрибаси ўрганилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Сингапур давлати 1965 йил мустақилликка эришгач коррупция даражаси энг юқори бўлган давлатлар қаторида турар эди. Лекин бу иллатга қарши ўтказилган бир қатор тадбирлар бу давлатда коррупциянинг минимал даражага тушишига олиб келди. Биринчи навбатда бу ерда бюрократик жараёнлар енгиллаштирилиб суд тизимининг мустақиллиги оширилди. Шу билан бирга коррупция жиноятлари учун санкциялар оғирлаштирилиб, фуқароларга коррупцияга қарши жиноятларни тергов қилишда ҳамкорлик қилишда бош торганлиги учун жуда катта молиявий санкциялар белгиланди. Бир қатор давлат идораларида оммавий “тозалашлар” ўтказилиб бу жараёнлар телеканаллар орқали бутун мамлакатга намойиш қилинди. Юқорида санаб ўтилган омилларнинг ҳаммаси Сингапурни қисқа муддатларда коррупция даражаси энг паст мамлакатлар рўйхатида илғор давлатлар қаторига олиб чиқди.

Жиноятчи унсурларнинг хўжалик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фаол ва хуфёна иштирок этиши жамиятда ахлоқсизлик вазиятини туғдириши, бу эса ўз навбатида, мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам номақбул жинойий бозор иқтисодиётининг алоҳида тури шаклланишига олиб келишини кейинчалик БМТ томонидан ҳам тан олиниб, Коррупцияга қарши курашишнинг устувор ҳуқуқий асослари қатор халқаро ҳуқуқий нормаларда ўз ифодасини топди.

1999 йил 27 январдаги Европа Кенгашининг “Коррупция учун жинойий жавобгарлик тўғрисида” ги Конвенцияси;

1999 йил 4 ноябрдаги “Коррупцияга учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида” ги Конвенция;

2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган БМТ нинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси;

2003 йил 31 октябрда қабул қилинган БМТ нинг Коррупцияга қарши Конвенцияси ва бошқа бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. [7]

Хусусан, 2003 йил 9 декабрда Мексиканинг Мерида шаҳрида коррупцияга қарши курашишда давлатлар ўртасидаги алоқаларни янада кучайтириш мақсадида 3 кун давом этган конференция ташкил этилганлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Бу конференция давомида 100 дан ортиқ давлат томонидан Коррупцияга қарши ҳақаро конвенция имзоланди. Конференциянинг биринчи иш куни (9 декабрь) БМТ томонидан бутун дунёда коррупцияга қарши кураш куни деб эълон қилинган. Ушбу конвенциянинг қабул қилиниши ва



кучга кириш (2003 йил 31 октябрь) дунё мамлакатларининг коррупцияга қарши курашдаги ҳамкорлигини янги поғонага кўтарди.

Конвенцияда коррупциянинг ривожланиши уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа жамият учун хавfli бўлган салбий омилларга қарши курашга улкан тўсиқ бўлиши мумкинлигига алоҳида урғу берилган.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига 2008 йил 7 июлдаги ЎРҚ-158-сонли Қонуни [1] билан қўшилган бўлиб, ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа Иштирокчи-давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгилаб қўйилган.

Ушбу Конвенцияда назарда тутилган ва коррупция сифатида эътироф этилиши мумкин бўлган қилмишлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг бир қатор моддалари билан жинойи қилмиш сифатида таъкиб қилинади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, Коррупцияга қарши курашиш мақсадида 2017 йил 4 январь куни Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни[2] кучга кирди. Ушбу Қонун коррупцияга қарши курашиш учун янги босқични бошлаб, унга барҳам бериш учун муҳим шароит яратиб берди. Қонуннинг 4-моддасида Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат қилиб белгилаб берилди: "қонунийлик; фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги; коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги; жавобгарликнинг муқаррарлиги." [2]

Ана шу принциплардан келиб чиқиб коррупцияга қарши курашни янада такомиллаштириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилган бўлиб, мазкур комиссиянинг асосий вазифаларидан бири коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этишдан иборатдир. Шунингдек, ушбу комиссия коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва ҳамкорлигини таъминлаб беради.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини кучайтириш мақсадида 2020 йил 29 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, яъни коррупцияга қарши курашишдаги махсус давлат органи ташкил этилди. Мазкур Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагича этиб белгиланди:

мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан, банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими ("комплаенс-назорат") ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш;



давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкни декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш;

давлат хизматида ҳалоллик стандарти ("ҳалоллик вакцинаси") ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш; ва ҳоказо.[3]

Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сон Фармонида мувофиқ [4] 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун масъул ҳисобланади.

Муҳтасар айтганда, коррупция — тараққиёт қушандаси, хавфсизликка таҳдид туғдирувчи хавфли жиноят. Бу иллатга қарши курашиш тегишли органларнинггина эмас, барчанинг иши бўлиши зарур. Шундагина биз ушбу хавфни бартараф этган бўламиз.

#### Адабиётлар:

1. "Бирлашган миллатлар ташкилотининг коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. //lex.uz/docs/1369505
2. "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //lex.uz/docs/3088008
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони. // <https://yuz.uz/news>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/5495529>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарори. // <https://lex.uz/docs/5495533>
6. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қилган Мурожаатномаси. <http://www.ombudsman.uz/uz/docs/>
7. Култўраев Ш. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш масалалари. <http://www.ombudsman.uz/uz/docs/>
8. Сирожев Ж. Коррупция: унинг тарихий илдизлари, коррупцияга қарши кураш усуллари. // <https://xorazm.adliya.uz/xorazm/uz/publikatsii/korupsiya>
9. Турғунов Б. Коррупцияга қарши курашиш – барчамизнинг бурчимиз. // <https://adolatnashr.uz/uz/news/news>.



## Мундарижа/Содержание/Contents

	<i>Раунов Сойиб Саидович</i>
3	Коррупция ва унга қарши курашнинг долзарб муаммолари Corruption and the crucial issues of struggle against it
	<i>Козлов Владимир Васильевич, Бевзенко Игорь Александрович,</i>
8	Выявление базовых факторов психологической свободы человека, как ключевого производственного ресурса в условиях постиндустриальной экономики — интегративный подход Revealing the basic factors of human psychological freedom as a key production resource in a post-industrial economy - an integrative approach
	<i>Каримова Василя Маманосировна, Омонов Шерали Иброхим ўгли</i>
16	Рекламани идрок этишда шахс қадриятларининг этнопсихологик асослари Ethno-psychological foundations of personality values in the perception of advertising
	<i>Кадиоров Камолитдин Батирович</i>
21	А.Р.Луриянинг ўзбекистонда амалга оширган тадқиқотлари: таҳлил ва хулосалар A.R.Luria's researches in uzbekistan: analysis and conclusions
	<i>Инагамова Лола Усманбековна</i>
30	Научно-теоретические основы стрессоустойчивости у молодых руководителей Scientific and theoretical foundations of stress resistance among young leaders
	<i>Файзиёва Мавлуда Худаяровна</i>
35	Конструктив психологик ҳимоянинг хусусиятлари Features of constructive psychological protection
	<i>Юлдашев Санжар Рузимуродович</i>
44	Болалар савдосига қарши кураш: ҳуқуқий ва психологик жиҳатлар Combating child trafficking: legal and psychological aspects
	<i>Абдуллаева Дилбар Зоиржон қизи</i>
49	Шахс гендер-психологик хусусиятлари муаммосининг ўрганилиш ҳолати The state of the study of the problem of gender and psychological characteristics of the individual
	<i>Izbullayeva Gulchehra Valeriyevna</i>
56	Nosiriddin Tusiyning "Axloqi nosiriy" asarida yosh davrlar pedagogikasi va psixologiyasi Pedagogy and psychology of youth in the work of Nosiriddin Tusi "Akhloqi nosiriy"
	<i>Қодирова Одина Джурбаевна</i>
62	Талабаларда эмоционал интеллектни таълим жараёнида ривожлантиришнинг психологик детерминатларини эмпирик ўрганилиши Empirical study of psychological determinants of the development of emotional intelligence in students in the educational process
	<i>Худойқулова Гулшода Бахроновна</i>
70	Гуруҳларда психологик тренингларни ташкил этишда этник хусусиятларнинг аҳамияти The importance of ethnic characteristics in the organization of psychological training in groups
	<i>Жумаева Мехрибо Абдувоҳитовна</i>
74	Педагог инновацион фаолиятининг функциялари Functions of pedagogical innovative activity
	<i>Jaqsimuratova Elmira Sarsenovna, Saparov Shing'is Baxievich,</i>
79	Xalq an'analari asosida katta maktabgacha yoshdagi bolalarda qiymat yo'nalishini shakllantirish omillari va psixologik-pedagogik shart-sharoitlar Factors of formation of value orientation and psychological and pedagogical conditions in preschool children on the basis of folk traditions
	<i>Муратова Шоиста Норбоваевна</i>
83	Никоҳ олди омилларининг йигитларни оилавий ҳаётга тайёрлашдаги ижтимоий-психологик имкониятлари Socio-psychological opportunities of premarital factors in preparing young men for family life
	<i>Абдуқаҳҳорова Гулноза Абдурасуловна</i>
89	Эмпирический анализ роли социально- психологических служб в устранении девиантного поведения у подростков



	Empirical analysis of the role of social and psychological services in the elimination of deviant behavior in adolescents
93	<i>Latipova Umida Yusufboevna</i> Talabalarda ijodiy faollik motivatsiyasi namoyon bo'lishining nazariy asoslari Theoretical bases of motivation of creative activity in students
95	<i>Ибайдуллаева Умида Рустамжоновна</i> Низоли вазиятларда ўсмирларнинг хулқ-атвор типлари хусусиятлари Behavioral characteristics of adolescents in conflict situations
100	<i>Eshquvvatov To'lqinjon Eshquvvatovich</i> Oliy talim muassasalarida o'quv jarayoni nizolari profilaktikasi zarurati va amaliyoti Necessity and practice of conflict prevention in the educational process in higher education institutions
104	<i>Нурали Ҳақбердиев Салайдинович</i> Ўзбекистонда давлат кадрлар сиёсатининг сиёсий тизимга трансформацияси Transformation of state personnel policy into a political system in Uzbekistan
110	<i>Жабборов Хазрат Хусенович</i> Миллий тарбиянинг ижтимоий-психологик омиллари Socio-psychological factors of national education
118	<i>Акмалов Акрам Ахметович</i> Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг малакасини оширишга интегратив ёндошув An integrated approach to professional development of physical education and sports professionals
124	<i>Якубова Гузал Асатуллаевна, Искандерова Сайёра Абдубасидовна</i> Мактабгача ёшдаги болаларнинг психофизиологик ривожланиши Psychophysiological development of preschool children
129	<i>Темиров Дилшод Шералиевич</i> Умумтаълим мактабларида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрни The role of public control in ensuring the quality and effectiveness of education in secondary schools
<b>ИЛМИЙ МУШОҲАДА</b>	
133	<i>Тўлаганова Г.Қ.</i> Хулқий оғишлар симптомокомплексида психокоррекция ишлар самарадорлиги
138	<i>Султонмурод ОЛИМ</i> Рух ва тавфик
<b>УСТОЗЛАР ҲАЁТИДАН</b>	
145	<i>Маматов М.</i> Устоз олим ва муаллим
148	<i>Козлов Владимир Васильевич</i> Лидер трансперсональной психологии